

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УКД 657.6

АБДУНАЗАРОВ ХАЁТ ШУХРАТОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

5A340902 - "АУДИТ" мутахассислиги бўйича магистр академик
даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: и.ф.н. М.М. Ибрагимов

САМАРҚАНД - 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Аудиторлик хизматлари бозорининг моҳияти, таркиби ва тавсифи.	8
1.2. Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчиларининг таснифи	14
1.3. Аудиторлик хизматларининг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва уларни уйғунлаштириш масалалари.....	19
2-БОБ. ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТДА АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЛАТИ, МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ	
2.1. Халқаро амалиётда аудиторлик хизматларини ривожлантириш- нинг ҳозирги ҳолати ва йўналишлари.....	27
2.2. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматларини ривожлантиришнинг ҳолати, муаммолари ва уларнинг ечимлари.....	36
3-БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	
3.1. Аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни баҳолаш ва аниқлаш тартиби.....	53
3.2. Аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигининг ҳолати ва уни ошириш йўллари.....	57
3.3. Аудиторлик ташкилотлари рақобатбардошлигини ошириш йўллари.....	59
4-БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	61
ХУЛОСА.....	67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	70
ИЛОВАЛАР.....	73

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда хизматлар бозорини, чунончи аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш устувор вазифалардан ҳисобланади. Республикамиз Президенти ва Ҳукумати томонидан ушбу бозорни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Аудиторлик ташкилотларини 2006 йилдан буён 2017 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга фойда ва ягона солиқ тўловидан озод этилганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Мустақиллик йилларида республикамизда аудиторлик хизматлари шакллантирилди, 2006 йилгача бўлган даврда бу хизматларни кўрсатувчи субъектлар сони қарийиб 700 тага, аудиторлар сони эса, 7 000 тагача етди. 2007 йилдан бошлаб аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлиги, жавобгарлиги ва масъулиятини оширишга қаратилган қатъий чоралар кўрилди. Бу чора-тадбирлар натижасида аудиторлик ташкилотлари йириклаштирилди, улар устав капитали миқдори кўпайтирилди, аудиторларга бўлган малака талаблари кучайтирилди. Шу сабабли, аудиторлик ташкилотлари ва малакали аудиторлар сонидан қисқаришлар кузатилди. Аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишдаги масъулиятини ошириш, аудиторлик хизматлари бозорида рақобатчиликни кучайтириш устувор вазифалар бўлиб қолмоқда. Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал этилиши муҳим аҳамиятга моликдир.

Аудиторлик хизматлари бўйича барча йирик мамлакатларда катта тажрибалар тўпланган. Глобаллашув жараёнлари уларни дунёнинг барча мамлакатларига ҳам тез тарқалишига олиб келмоқда. Улар, ўз навбатида, ушбу хизмат турлари бўйича халқаро миқёсдаги тартиб-қоидаларни, чунончи умумтан олинган стандартларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни жорий этишни тақозо этмоқда. Чунончи, халқаро аудит стандартларини яратилиши, уларни барча мамлакатларга, шу жумладан бизнинг мамлакатимизга кириб келиши ҳам аудиторлик хизматларини умумжаҳон аҳамиятига молик

хизматлардан бири эканлигидан дарак беради. Ушбу стандартларни миллий амалиётда қўллаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Юқоридагиларнинг барчаси танланган мавзунинг долзарблигидан дарак беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бозор иқтисодиёти шароитида аудитнинг долзарб муаммолари хорижий ва республикамиз олимлари томонидан ўрганилган. Чунончи, аудитнинг назарий, ташкилий ва методологик масалалари Р.Абдуллаев, Н.П. Баришников, Р.Дўстмуродов, П.И. Камишанов, Х.Мусаев, В. Подольский, Н. Санаев, М.Тўлахўжаева, К.Уразов, А.Д. Шеремет ва бошқа муаллифлар қаламига мансуб кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўз аксини топган. Аудиторлик фаолиятини республикамизда ривожлантириш масалалари Р.Д.Дустмуратов, Н.Ф.Каримов, З.Т. Маматов, Б.Ҳ.Ҳамдамов томонидан бажарилган докторлик диссертацияларида тадқиқ қилинган. Шу билан бирга республикамизда аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, аудиторлик ташкилотлари самарадорлигини ва рақобатдошлигини ошириш масалалари чуқур тадқиқ этилмаган. Республикамизда бу масалаларни ҳал этиш ўта долзарблигича қолмоқда. Республикамизда аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга объектив заруратнинг борлиги ушбу мавзуда чуқур тадқиқотлар олиб боришга, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш, бу хизматларни кўрсатувчи субъектлар фаолияти самарадорлиги ва рақобатдошлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ҳамда амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун магистрлик диссертацияси олдига **қуйидаги вазифалар** қўйилди:

- ◆ аудиторлик хизматлари бозори ва унинг иштирокчиларнинг таркиби, таснифи ва тавсифини очиб бериш;

- ◆ аудиторлик хизматларининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ташкил қилувчи халқаро ва миллий стандартларни уйғунлаштириш йўллари асослаш;

- ◆ халқаро ва миллий амалиётда аудиторлик хизматларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва йўналишларини, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларини асослаш;

- ◆ аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни баҳолаш ва аниқлаш тартибини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

- ◆ аудиторлик ташкилотлари самарадорлигини оширишнинг кучли ва заиф жиҳатлари, ички ва ташқи имкониятлари ҳамда таҳдидларни ўзида мужассамлаштирувчи SWOT таҳлилни ишлаб чиқиш;

- ◆ аудиторлик ташкилотлари рақобатбардошлигини ошириш йўналишларини белгилаш

Тадқиқот объекти сифатида республикамізда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари, хусусан Самарқанд шаҳрида жойлашган «Комил-ишонч», «Жавлон аудит сервис» ва «Самкелажакаудит» аудиторлик ташкилотлари танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш жараёнларида вужудга келаётган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва унда қўлланиладиган усуллар. Тадқиқотларни олиб боришга асос бўлиб Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Президентимизнинг фармонлари ва қарорлари, республика ҳукуматининг қарорлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича халқаро ва миллий стандартлар, хорижий ва республикаміз олимлари томонидан чоп

этилган монографиялар, илмий мақолалар, дарсликлар, ўқув ва амалий қўлланмалар, статистик маълумотлар тўпламлари, аудиторлик ташкилотларининг маълумотлари ва бошқалар ҳисобланади.

Илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- ◆ аудиторлик хизматлари бозори ва унинг иштирокчиларнинг таркиби, таснифи ва тавсифи очиқ берилди;

- ◆ аудиторлик хизматларининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ташкил қилувчи халқаро ва миллий стандартларни уйғунлаштириш йўллари асосланди;

- ◆ халқаро ва миллий амалиётда аудиторлик хизматларини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва йўналишлари белгиланди, бу борада мавжуд муаммоларнинг ечимлари тавсия этилди;

- ◆ аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни баҳолаш ва аниқлаш тартибини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- ◆ аудиторлик ташкилотлари самарадорлигини оширишнинг кучли ва заиф жиҳатлари, ички ва ташқи имкониятлари ҳамда таҳдидларни ўзида мужассамлаштирувчи SWOT таҳлил услуби ишлаб чиқилди;

- ◆ аудиторлик ташкилотлари рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари асосланди.

Тадқиқот ишининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда яратиладиган ишланмалар аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш ҳамда аудиторлик ташкилотлари самарадорли ва рақобатдошлигини оширишга имкон беради.

Натижаларнинг жорий қилинганлиги. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий-назарий таклифлар ва амалий тавсиялар “Комил-Ишонч” аудиторлик ташкилоти томонидан амалиётга ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг илмий ғоялари ва хулосалари “Мамлакатни модернизациялаш шароитида иқтисодиётни

ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” (Самарқанд, 2012 йил 17 февраль) ҳамда «Хизмат кўрсатишни инновацион ривожланишини таъминлаш муаммолари» (Самарқанд, 25-27 апрель 2012 йил) республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси томонидан ташкил қилинган илмий семинарида (7 июн 2012 йилдаги 4-сонли баённома) муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий мазмуни 2 та ишда нашр қилинган, улар ишнинг охиридаги адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, тўртта боб, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми жами 87 бет, унинг таркибида 7 та жадвал ва 2 та расм, 2 диаграмма мавжуд, унга 3- иловалар келтирилган.

1-бoб. АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Аудиторлик хизматлари бозорининг моҳияти, таркиби ва тавсифи

Мустақилликни қўлга киритилиши, бозор муносабатларига асослаган иқтисодий тараққиёт йўлини танланиши республикамизда кўплаб янги хизмат турларини вужудга келишига ва уларни мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жадал кириб боришига олиб келди. Шундай хизмат турлари сирасига аудиторлик хизматларини ҳам киритиш мумкин.

Хўш, аудиторлик хизматлари ўзи нима? Аудиторлик хизматлари бозори деганда нима тушунилади? Ушбу бозорга бўлган зарурат негизида нималар ётади? Аудиторлик хизматлари бозори таркибан ўз ичига қандай элементларни олади? Аудиторлик хизматларининг аҳамияти нималарда намоён бўлади?

Ушбу саволларга жавоб топиш учун «аудит», «аудиторлик хизматлари», «аудиторлик хизматлари бозори» каби тушунчаларнинг адабиётларда келтирилган таърифи ва тавсифларига қисқача тўхталайлик.

Юқорида келтирилган учта тушунчаларнинг негизида, кўриниб турибдики, биринчи навбатда «аудит» тушунчаси ётади. Қолган тушунчалар ушбу биринчи тушунчани янада тўлдирувчи ва уни макон ва замонда реал амалга ошаётган фаолият, муносабатлар мажмуаси сифатида атрофлича тавсифловчи тушунчалар ҳисобланади.

«Аудит» адабиётларда кенг ёритилган атамалардан биридир. Ушбу атаманинг таърифи, мазмуни ва тавсифи кўплаб дарсликлар ва ўқув қўлланмаларда атрофлича ва турли жиҳатлари бўйича очиб берилган. Қуйида уларнинг айримларини келтирамиз.

Хорижлик олимлар Э.А.Аренс., Дж.К. Лоббек томонидан чоп этирилган «Аудит» китобида аудитга шундай тавсиф берилган «Аудит (auditing) –бу дахлсиз компетент ходим томонидан ахборотларни белгиланган мезонларга

мослигини аниқлаш ва ҳолисона хулоса бериши мақсадида хўжалик тизими тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва баҳолаш жараёни»¹

Профессор П.И.Камишанов томонидан ёзилган «ЗНАКОМТЕСЬ: АУДИТ» номли рисолада қуйидаги тушунчалар мавжуд « **«Аудитор»** – бу лотинча **«auditor»** сўзидан олинган бўлиб, *«эшитувчи»*, *«ўқувчи»*, *«терговчи»* маъноларини англатади. Аудит –хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил этиш ва назорат қилишнинг нисбатан янги йўналиши. Аудит – бу бизнесни ўзига хос экспертизаси»².

Профессор М.М. Тўлахўжаева аудитга шундай таъриф беради: «Аудит-бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни, бу ҳисобот ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилиши»³.

Профессор Н.Санаев ва Р.Нарзиев томонидан ёзилган «Аудит» дарслигида аудит моҳияти қуйича очилган. «Аудитнинг моҳияти – бозор иқтисодиёти шароитида унинг объектив иқтисодий тараққиёт қонунлари, категориялари, ҳалқаро ҳамжамиятда тан олинган ҳамда айрим олинган бир конкрет мамлакатда амал қилаётган меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мос текширув объектида унинг барча фаолиятлари рақамлар ёрдамида ифодаланган, махсус тизим асосида хулоса ва таклифлар беришдан иборат»⁴.

Профессор Х.Н. Мусаев ўзининг «Аудит» дарслигида аудитни қуйидагича таърифлаган: «Аудит –бу муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан хўжалик юритаётган субъектлар фаолиятларининг республикада қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлигини текшириш йўли билан баҳолаш ва ҳолисона хулосалар беришдир»⁵

¹ Э.А.Аренс., Дж.К. Лоббек. Аудит. - М, Финансы и статистика, 1995, стр.7

² Камышанов П.И. ЗНАКОМТЕСЬ : АУДИТ, Москва, 1994, стр.4

³ Тўлахўжаева М..М. Молиявий ақволнинг аудити. «Иқтисодиёт ва қўлул дунёси» нашриёт уйи, Тошкент, 1996, 94-бет.

⁴ Санаев Н, Нарзиев Р. Аудит. Дарслик, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик коопанияси Бош таҳририяти, Тошкент, 2001, 33-бет.

⁵ Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003, 18-бет.

Проф.К.Б. Уразов ўзининг «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» ўқув қўлланмасида аудит атамаси тўрисида қуйидагиларни таъкидлайди: «Аудит--бу лотинча **«auditing»** сўздан олинган бўлиб, рус тилига ўтирилганда «слушаю», рус тилидан ўзбек тилига ўтирилганда эса «*эшитаман*» маъносини англатади. Рус ва ўзбек тиллари лексиконида ушбу сўзнинг ўзи мавжуд эмас, шунинг учун уни кўчирма сўз сифатида тўлиғича ўзгаришсиз ишлатиш мақсадга мувофиқ»⁶.

Республикаимизнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуни» да аудит махсус фаолият сифатида қаралган ва у қуйидагича изоҳланган: «Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»⁷.

Демак, олимлар ва қонун ҳужжатларида келтирилган таърифлардан келиб чиққанимизда, аудит макон ва замонда юз бераётган жараён, амалий фаолият, кўрсатиладиган махсус хизмат тури ҳисобланади. Аудит, бир томондан, махсус «аудитор» номли мутахассисларнинг амалий иш фаолияти, иккинчи томондан, махсус «аудиторлик ташкилоти» мақомидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятидир.

Аудиторлик фаолиятига макон ва замонда юз бераётган пуллик хизматлар ҳамда корхоналарда штат жадвалида кўзда тутилган лавозимдаги ходимларнинг функционал вазифаси сифатида тавсифлаш ҳам мумкин. Махсус аудиторлик ташкилоти томонидан бошқа корхона ва ташкилотларга шартномалар асосида кўрсатилаётган аудиторлик фаолияти бевосита пуллик хизматларнинг бир тури ҳисобланади. Аудиторлик ташкилотлари бу хизматларни кўрсатишдан даромад кўради, харажатларини қоплайди ва пировардида фойда оладилар. Айнан шу мазмундаги аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган аудиторлик хизматлари бозор хизматлари таркибига киради.

⁶ Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 224 –бет.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», 2002 йил 26 май..

Корхоналар штат жадвалида кўзда тутилган лавозимдаги ички аудиторларнинг функционал вазифаси ҳисобланган ички аудит хизмати пуллик хизматларга, яъни тадбиркорлик фаолиятига кирмайди. Бу мазмундаги аудиторлик хизматлари бозор хизматлари ҳисобланмайди.

Шундай қилиб, аудит, аудиторлик хизматлари ва аудиторлик хизматлари бозори бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тушунчалар ҳисобланади. Макон ва замонда юз бераётган аудит яхлит тарзда аудиторлик хизматлари бозорини ташкил қилади.

Аудиторлик хизматлари бозори – бу макон ва замонда юз бераётган, пуллик ва пулсиз асосда кўрсатилаётган хизматлар мажмуасидир. Ушбу хизматлар бозори таркибини қуйидагича кўргазмали тарзда ифодалаш мумкин (1-расм).



1-расм. Аудиторлик хизматлари бозори таркиби

Аудиторлик хизматлари бозорининг муҳим элементи бўлган ташқи аудиторлик текширувлари иккита турга, яъни мажбурий аудит ва ташаббусли аудитга бўлинади.

Мажбурий аудит - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобот йили якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни реаллигини билиш мақсадида ўтказиладиган аудит. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида Қонуни»га мувофиқ (10-модда) қуйидаги субъектлар ҳар йили мажбурий аудитдан ўтадилар:

- акционерлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит берувчи ташкилотлар;
- суғурта ташкилотлари;
- юридик ва жисмоний шахслар маблағларини тўпловчи инвестиция ва бошқа фондлар, уларнинг бошқарувчи компаниялари;
- маблағлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ҳисобидан шаклланадиган хайрия ва бошқа ижтимоий фондлар;
- маблағларининг ташкил топиш манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунларда кўзда тутилган мажбурий ажратмаларидан иборат бўлган бюджетдан ташқари фондлар;
- устав фондида давлат улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Ташаббусли аудит - хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ташаббуси билан ўтказиладиган аудитдир. Ушбу аудит хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари, инвесторлар, таъсисчилар, акционерлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва бошқа назорат органлари - прокуратура, суд, ички ишлар органлари, солиқ қонунчилигини бузилишига қарши курашиш департаментлари буюртмалари асосида ўтказилади.

Мажбурий ва ташаббусли аудит, ўз навбатида комплекс аудит, мавзуй аудит каби турларга бўлинади.

Комплекс аудит — хўжалик юритувчи субъект молиявий хўжалик фаолиятини тўлиқ қамраб олган аудиторлик текширувидир.

Тематик аудит – бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига тегишли бўлган у ёки бу жараёнлар ва операцияларни, ҳисобот кўрсаткичлари ёки моддаларини, айрим олинган бўлимлар фаолияти, ҳужжатларни аудиторлик текширувидан ўтказишдир.

Мажбурий ва ташаббусли аудит натижалари бўйича берилган аудиторлик хулосасининг реаллиги, ҳаққонийлиги учун жавобгарлик ва масъулият бир хил ҳисобланади.

Аудиторик хизматлари бозорининг муҳим таркибий қисми бўлиб аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган профессионал хизматлар ҳисобланади. Республикамизнинг аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунига мувофиқ (17-модда) аудиторлик ташкилотларининг профессионал хизматларига қуйидагилар киради.

- *бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш;

- *молиявий ҳисоботни тузиш;

- *миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига ўтказиш;

- *хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;


- *бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати;

- *солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш ва бошқалар.

Аудиторлик хизматлари бозорининг муҳим қисми ҳисобланган ички аудит хизмати хўжалик юритувчи субъектнинг махсус бўлимлари ёки ходимлари томонидан Ички аудит хизмати тўғрисида Низомда белгиланган тартиб қоидаларга асосан ўтказилади.

1.2. Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчиларининг таснифи

Аудиторлик хизматлари бозори макон ва замонда юз бераётган жараён сифатида ўз иштирокчиларига эга. Ушбу иштирокчиларнинг асосийлари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Аудиторлик хизматлари бозори иштирокчилари

Аудиторлик хизматлари бозорининг расмда келтирилган биринчи учта иштирокчилари бевосита ушбу хизматларни кўрсатувчилари, қолган иштирокчилар эса бу хизматларни буюртмачилари, яъни истеъмолчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Аудиторлик хизматлари бозорида бош ролни ўйновчилар бўлиб аудиторлик ташкилотлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг

аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615 - сонли “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги қарорига, ушбу қарор билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида Низом»га мувофиқ аудиторлик ташкилотлари мақомига, уларга қўйиладиган лицензия талабларига қатор ўзгартиришлар киритилди. Чунончи, аудиторлик ташкилотлари уларга аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича бериладиган ваколат (ҳуқуқ)га кўра унга тоифага ажратилди, шунингдек бунинг учун мос равишдаги устав капитали, асосий ходимлар ҳисобланган аудиторлар сони, уларни халқаро сертифицикаланган амалиётчи сертификатларига эга бўлишига бўлган қуйидагича янги талаблар белгиланди:

Тоифа	Ваколат	Устав капиталининг минимал миқдори, МИҲга нисбатан қара ҳисобида	Асосий аудитор- лар сони	Шундан САР соҳиби сон
1-тоифа	Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш	5000	6	2
2-тоифа	Очиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда ташаббускорлик асосида ва мажбурий аудиторлик текширувларини ўтказиш	3000	4	1
3-тоифа	фақат ташаббус тарзидаги аудиторлик текширувларини ўтказиш	1500	2	-

Бундан ташқари, аудиторлик ташкилотларининг лицензия талаблари ва шартларини бажариш учун жавобгарлигини кучайтириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш ва аудиторлик ташкилотлари фаолиятини

бошқаришнинг самарали усулларини тадбиқ этиш, аудиторлик хизматлари бозорида инсофсиз (ноқонуний) рақобатни таг-томири билан йўқотиш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615 - сонли “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги қарори асосида қуйидаги қўшимча талаблар ҳам киритилди:

а) аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг жавобгарлигини ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга йўналтирилган қўшимча лицензия талаблари ва шартлари, ушбу талаблар 1-жадвалда келтирилган;

в) аудитор томонидан аудиторлик фаолиятини фақат бир аудиторлик ташкилотида амалга оширилиши ва фақатгина бир аудиторлик ташкилотида таъсисчи бўлиш мумкинлиги;

г) аудиторлик ташкилотлари томонидан битта хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувини уч йилдан ортиқ кетма-кет ўтказишни таъқиқлаш;

д) аудиторлик ташкилотларида аудиторлар иш сифатининг ички стандартларининг мажбурий мавжудлиги;

е) аудиторларнинг профессионал жамоат бирлашмалари томонидан аудиторлик ташкилотларни мажбурий рейтинг баҳолаш тизими жорий этилиши;

ж) аудиторлик ташкилотининг лицензияси ва аудиторнинг малака сертификати амал қилишини тугатиш учун янгича асослар;

з) аудиторлик ташкилоти раҳбари уч йилда бир маротаба аттестациядан мажбурий ўтиши;

и) аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ҳар ярим йилда бир марта белгиланган шаклда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига мажбурий тақдим этиш;

к) аудиторлик ташкилотлари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиниши Молия вазирлиги томонидан ҳар уч йилда камида бир маротаба мажбурий текшириб турилиши ва бошқалар.

1-жадвал

Аудиторлик ташкилотларига қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари

№	Лицензия талаблари ва шартлари
1	"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари, шунингдек бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш
2	Лицензия олинаётганда мазкур Низомда назарда тутилган миқдорларда тўлиқ шакллантирилган устав капиталига эга бўлиш
3	Фақат аудиторлик фаолиятини амалга ошириш
4	Фукаролик масъулиятини суғурта қилиш полисига эга бўлиш
5	Аудитор томонидан аудиторлик фаолиятини фақат битта аудиторлик ташкилотида амалга ошириш
6	Штатда аудиторлар сони Низомда назарда тутилган миқдорда бўлиши
7	Лицензия турига мувофиқ штатдаги аудиторларда халқаро бухгалтер сертификатининг бўлиши
8	Аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган ахборотнинг сир сақланишини таъминлаш
9	Аудиторлик текширувлари ўтказиш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш
10	Аудиторлик ташкилоти раҳбари лавозимига фақат аудиторни тайинлаш
11	Аудиторлик ташкилоти раҳбарининг уч йилда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида аттестациядан ўтиши
12	Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида мустақилликни таъминлаш
13	Ишончли аудиторлик ҳисоботи тузиш ва аудиторлик хулосаси бериш
14	Аудиторлик ташкилотларида аудиторлар иш сифатининг ички стандартлари мавжудлиги
15	Ўз почта манзили ўзгаргани тўғрисида 10 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини хабардор қилиш
16	Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ярим йилда бир марта белгиланган шаклда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиш, шунингдек аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бошқа ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги талаби бўйича тақдим этиш.

Республикаимиз Президентининг номи юқорида зикр этилган қарори асосида аудиторлик хизматлари бозорининг бевосита иштирокчилари бўлган

аудиторларга ҳам малака сертификатларини олиш ҳамда этика талаблари кучайтирилди. Уларнинг асосийлари 1-расмда келтирилган.



1-расм. Аудиторларга қўйиладиган талаблар

Аудиторлик бозорининг муҳим иштирокчилари бўлиб экспертлар ҳисобланади.

Экспертлар – бу аудиторлик ташкилотларининг асосий штатида ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида у ёки бу объектни текшириш ҳамда хулоса бериш учун вақтинчалик ишга жалб қилинган мутахассис.

Аудиторлик текширувларида иштирок этувчи экспертлар мутахассислиги бўйича ўта турли-тумандир. Аудитда экспертлар сифатида

иштирок этувчилар бўлиб, қурувчи-инженерлар, қимматли қоғозлар бўйича мутахассислар, шифокорлар, ветеринарлар, агрономлар, зоотехниклар, брокерлар, қимматли металллар бўйича мутахассислар ва бошқалар жалб этилиши мумкин. Уларга асосан профессионал ва этик талаблар қўйилади.

Аудит бозори иштирокчилари орасида ушбу хизматларнинг буюртмачилари ва истеъмолчилари алоҳида ўрин тутди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, улар сафига корхона ва ташкилотлар, давлат бошқарув органлари, таъсисчилар, инвесторлар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар киради. Аудит бозорининг ушбу иштирокчилари турли хилдаги, мақсадлардаги ва кўламдаги аудит хизматларининг буюртмачи ва истеъмолчилари бўлиши мумкин.

1.3. Аудиторлик хизматларининг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва уларни уйғунлаштириш масалалари

Аудиторлик хизматларининг характерли хусусияти бевосита уларнинг катъий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинишидир.

Адабиётларда муаллифлар аудиторлик хизматларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни турли даражаларга бўладилар ва улар таркибини турлича тавсифлайдилар. Шу билан бирга адабиётларда аудиторлик хизматларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлашда умумий ўхшашлик борлигини ҳам кўриш мумкин. Бу ўхшашлик шундаки, барча олимлар аудиторлик хизматларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг энг юқори даражасига давлатларнинг ушбу фаолият тўғрисидаги қонунларини киритадилар. Аудиторлик хизматларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иккинчи даражасига аксарият муаллифлар Давлат раҳбарининг директиваларини, яъни қарор ва фармонларини, шунингдек Ҳукумат қарорларини киритадилар. Айрим муаллифлар бошқа муаллифлар иккинчи даражага киритган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунлар билан бир қаторга қўядилар, айримлар эса уларни умуман эътироф этмайдилар.

Бошқа гуруҳ олимлар аудиторлик хизматларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иккинчи даражасига аудиторлик фаолиятининг халқаро ва миллий стандартларини киритадилар. Аудиторлик хизматларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлашдаги ўхшашликнинг яна бир жиҳати шундаки, унинг энг қуйи даражасига аксарият олимлар аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларини киритадилар.

Биз, юқорида келтирилган фикрларнинг ҳар бирини чуқур танқид остига олмасдан ёки кўкка кўтармасдан оддий мантиқ асосида аудиторлик хизматларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни 4 та даражага ажратиш тарафдоримиз. Бизнингча, ҳар қандай жамият (давлат)да қонун устуворлиги бўлиши лозим. Шундан келиб чиқиб, аудиторлик хизматларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг олий, яъни биринчи даражасига ушбу фаолият тўғрисидаги қонунни қўйиш керак. Аудиторлик хизматларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг иккинчи даражасига, фикримизча, Давлат раҳбари ва Ҳукуматининг директиваларини, яъни Президент қарорлари ва фармонлар ҳамда ҳукумат қарорларини киритишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Чунки, қонун устуворлиги ва қонунлар ижросини таъминлашга қаратилган давлат раҳбарининг директиваси сўзсиз бажарилиши лозим. Аудиторлик хизматларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг учинчи даражасига, бизнингча халқаро ва миллий стандартларни, бу стандартлар ижросига оид йўриқномалар ва кўрсатмаларни киритиш керак. Ниҳоятда, аудиторлик хизматларини тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг энг қуйи тўртинчи босқичига аудиторлик ташкилотларининг ички стандартларини киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш жоизки, халқаро ва миллий амалиётларда аудиторлик хизматларини шаклланиши ҳамда аста-секинлик билан раванқ топиб боришида аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши асосий ролни ўйнаган. Дунёнинг турли мамалакатларида ушбу қонун турли

даврлар қабул қилинган. Мустақиллик қўлга киритилгач, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунлар МДХ мамлакатларида, шу жумладин бизнинг республикамизда ҳам қабул қилинди (2-жадвалга қаранг)

2-жадвал

Дунёнинг айрим мамлакатларида аудиторлик фаолияти тўғрисида қонуннинг қабул қилинганлиги тўғрисида маълумотлар⁸

Мамлакат номи	Қонун қабул қилинган йил
Голландия	1893
АҚШ	1896
Германия	1896
Ҳиндистон	1909
Аргентина	1945
Бразилия	1946
Мексикада	1955
Италия	1955
Греция	1955
Нигерия	1955
Ўзбекистан	1992
Белоруссия	1994
Украина	1993

Аудиторлик хизматлари ўзининг мазнун- моҳиятига, ўтказилиш кетма-кетлиги, усулари, расмийлаштирилиши ва бошқа жиҳатлари бўйича уларнинг қайси давлатда, худудда, корхонада амалга оширилаётганлигидан қатъий назар ўхшашдир. Айнан бу хислат аудиторлик фаолиятини нафақат битта мамлакат доирасида, балки мамлакатлараро даражада ҳам яхлитлаш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда. Ушбу мақсадга эришининг муҳим йўлларида бири бўлиб, аудиторлик фаолияти тартибларини стандартлаштириш ҳисобланади.

Стандартлаштириш – бу ҳар қандай нарсани, амални, ҳаракатни шакл ва мазмун жиҳатдан яхлитлашдир.

Аудиторлик фаолиятини стандартлаштириш деганда унинг мазмунини, режалаштириш ва ўтказиш, натижаларини умумлаштириш ва

⁸ Исоқов А. Аудит. Маъруза матни. – Наманган Мухандислик иқтисодиёт институти, 2006. – 6-7-б.

расмийлаштириш жараёнларини бир хиллаштириш тушунилади. Бундай бирхиллаштиришга, одатда, ягона тартиб-қоидаларга амал қилиш орқали эришилади. Демак, аудитда стандартлаштириш – бу аудиторлар риоя қилиши лозим бўлган яхлит тартиб-қоидалар, тамойиллар мажмуасидир.

Аудиторлик фаолиятини юритиш тартиб-қоидаларини бирхиллаштириш негизида унинг объекти ҳисобланган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг кўп жиҳатдан бирхиллиги ётади. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни умумжаҳон миқёсида тартибга солиш ва бирхиллигига эришилаётганлиги негизига қуйидаги омилларни (сабабларни) киритиш мумкин:

- *маблағларнинг таркибан ва мазмунан бир хиллиги;
- *маблағларни ташкил топиш манбаларининг бир хиллиги;
- *фаолият турларининг мазмунан бир хиллиги;
- *фаолият натижасининг бир хиллиги;
- *ахборот фойдаланувчилар синфларининг бир хиллиги;
- *ахборот фойдаланувчилар мақсадларининг ўхшашлиги;
- *ахборот фойдаланувчилар манфаатларининг ўхшашлиги;
- *биргаликда фаолият юритишга интилишларнинг мавжудлиги;
- *манфаатлар бирлиги;
- *инвестицияларга талабнинг борлиги ва бошқалар.

Айнан юқоридаги омиллар (сабаблар) аудиторлик фаолиятин ҳам дунё миқёсида яхлитлаш, бирхиллаштиришдек муҳим масалани кўндаланг қилмоқда. Албатта, ўз-ўзидан савол туғилади: бу нима беради?

Таъкидлаш жоизки, аудиторлик фаолиятини бирхиллаштириш, яъни ўтказишда бир хил тартиб қоидаларга риоя қилиш аудит сифати даражасини ва аудит натижаларининг ишончлилигини таъминлайди. Бир хил тартиб қоидаларни ўрнатиш аудиторларнинг турли ҳаракатларида, масалан судда уларнинг ҳаққоний ишлаганлигининг асоси бўлиб хизмат қилади. Агар аудитор бир хилда белгиланган тартиб қоидалардан чекиниш қилган бўлса, бунинг сабабини кўрсатиши лозим. Аудитда стандартлаштиришнинг қуйидаги жиҳатлари мавжуд:

- унга риоя қилиш орқали аудиторлик текширишнинг юқори сифатли бўлиши таъминланади;

- аудиторлик текшириш амалиётида янги илмий ютуқларни қўллаш мумкин;

- муайян вазиятларда аудиторнинг хатти-ҳаракатини аниқлайди.

Бутунжаҳон мамлакатлари ўртасида бўладиган савдо-иқтисодий ва бошқа кўринишдаги алоқалар ҳам улар ўртасида бўладиган ҳисоб-китобларни унификациялашни тақозо этмоқда. Булар ҳам нафақат ҳисоб тизимини, балким аудит тизимларини ҳам яхлит шаклга келтириш талабини қўяди.

Аудиторлик фаолиятида яхлит тартиб-қоидаларга эришиш турли йўللار билан амалга оширилади. Уларнинг асосийлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

- халқаро жиҳатдан тан олинган яхлит тартиб-қоидаларга ўтиш;
- халқаро даражада умумбелгиланган тартибларга мос келадиган хусусий аудит тизимини яратиш

Аудиторлик фаолиятини жаҳон миқёсида тартибга солиш ва бирхиллаштиришнинг асосий воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- яхлит қонунлар;
- яхлит стандартлар;
- яхлит пул бирлиги ва бошқа ўлчов бирликлари;
- яхлит тамойиллар.

Кўриниб турибдики, жаҳон мамлакатлари ўртасида миллий ҳисоб ва аудит тизимларини яхлит ҳолга келтиришда яхлит стандартлар муҳим ўрин тутади. Киинчи жаҳон урушидан кейин глобаллашув жараёнини тезлашиши яхлит стандартларни яратилишига катта туртки бўлди. Амалга ошаётган интеграция ва глобаллашув жараёнлари натижасида 1948 йилда Америка қасамёд қилган бухгалтерлар институти томонидан «Умумлаштирилган аудит стандартлари» ишлаб чиқилди. Шунингдек, АҚШнинг ушбу

институти томонидан «Ички аудиторларнинг мажбуриятлари» эълон қилинди.

1976 йилда маълумотга электрон ишлов бериш аудити ассоциацияси тузилиб, 1987 йилда «Ахборот тизими бўйича умумий қабул қилинган аудит стандартлари» ишлаб чиқилди.

Бутун дунёда аудиторлар фаолиятида умумий тартиб қоидаларни мужассамлаштирувчи стандартларнинг пайдо бўлишида Америка қасамёд қилган бухгалтерлар институти (AICPA) катта таъсир ва ташаббус кўрсатиб келди.

Юқоридагиларнинг барчаси дунё миқёсида аудитнинг халқаро стандартларини қабул қилинишига ҳамда уларни аста секинлик билан кўплаб мамлакатларда кенг жорий қилинишига олиб келди. Қуйида ушбу АХСларнинг таснифи ва тавсифига тўхталамиз.

Аудитнинг Халқаро Стандартлари – АХС (International Standards of Auditing – ISAs) Бухгалтерларнинг Халқаро Федерацияси БХФ (International Federation Accountants – IFAC) таркибидаги Аудиторлик Амалиёти бўйича Халқаро Комитет – ААХК (International Auditing Practice Committee) томонидан ишлаб чиқилади. IFAC 1977 йил 7 октябрда ташкил этилган. Ушбу Федерацияга дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам, миллий бухгалтерлик жамоат ташкилотлари аъзо бўлиб кирган.

IFAC ҳисоб ва аудитга доир фаолиятини ўзининг комитетлари орқали ташкил этади ва амалга оширади. Ҳозирги вақтда булар жумласига аудиторлик фаолияти бўйича комитет, ўқитиш бўйича комитет, этика (ахлоқ) бўйича комитет, молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби бўйича комитет, режалаштириш бўйича комитет, жамоат сектори бўйича комитет ва бошқалар киради.

IFAC томонидан аудиторлик фаолиятини юритишда, мос равишда, аудитнинг халқаро стандартларни яратиш негизига қатор тамойиллар асос қилиб олинган. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир: *ҳалоллик*,

ҳаққонийлик, мустақиллик, махфийлик ва пухта билимга эғалик (компетентлилик).

Аудитнинг халқаро стандартлар бошқа норматив ҳужжатлар каби қуйидаги реквизитлардан ташкил топади: стандарт номери, амалга киритилиш санаси, стандартнинг қўлланиш соҳаси, муаммо таҳлили ва бошқалар.

Аудитнинг халқаро стандартлари тўртта гуруҳга ажратилади. Булар:

1. Аудитнинг умумий стандартлари;
2. Аудитнинг ишчи стандартлари;
3. Ҳисобот стандартлари;
4. Махсус стандартлар.

Аудитнинг умумий стандартларига қуйидагилар киради:

*Аудитнинг асосий тамойиллари

*Молиявий ҳисоботлар аудитининг мақсади ва ҳажми

*Аудитни ўтказишга розилик ҳақида аудиторлик ташкилотининг хат-мажбуриятидир.

*Аудитнинг ишчи стандартларига қуйидагилар киради:

*Аудитни режалаштириш

*Аудиторлик исботлаш

*Аудитни ҳужжатлаштириш

*Аудит давомида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш

*Бухгалтерия ҳисоботида ўзгаришлар бўлганида аудиторнинг ҳатти-ҳаракати

*Эксперт хизматидан фойдаланиш

*Аудиторлик танлаш

*Аудит ўтказиш натижалари бўйича иқтисодий субъект раҳбарига аудиторнинг ёзма ахбороти.

Ҳисобот стандартларига қуйидагилар киради:

-Молиявий ҳисоботни текширганлиги хусусида аудиторлик ҳисоботи

-Бухгалтерия ҳисоботи тўғрисида аудиторлик хулосасини тузиш тартиби

-Аудиторлик хулосасини имзолаш санаси ва бухгалтерия ҳисоботи тузилган ва тақдим қилингандан кейинги санадан юз берадиган воқеаларни акс эттириш.

Махсус стандартларга қуйидагилар киради:

*Банк аудити бўйича махсус стандартлар

*Суғурта фаолияти аудити бўйича махсус стандартлар

*Божхона аудити бўйича махсус стандартлар.

Бу стандартларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳамда аудиторлик хулосасини тузишнинг асосий қоидалари ифодаланади. Булар ёрдамида аудитор аудиторлик текширувининг ҳажми ва қўламини, шунингдек, муайян услубини танлаши мумкин. Шу билан биргаликда аудит стандартлари аудиторлик текшируви сифатини баҳоловчи мезон бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда 40 га аудиторлик фаолиятининг халқаро андозалари ишлаб чиқилган. Республикамизда эса 20 га яқин аудиторлик фаолиятининг миллий андозалари ишлаб чиқилган. Уларнинг рўйхати 1,2-иловаларда келтирилган. Бозор муносабатларини эркинлаштириш ва уни янада чуқурлаштириш, иқтисодий интеграцияни ривожланиш шароитида молиявий ахборотларнинг жаҳон миқёсида амалиётга кенг жорий қилиш зарурий ва тўхтовсиз жараёнлардан бири ҳисобланади.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон суверен давлат сифатида аудит бўйича ҳукуматлараро ва халқаро профессионал ташкилотларга кириши ҳамда аудитнинг халқаро андозаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиши лозим. Бу эса миллий аудиторлик андозаларини халқаро андозалар билан мувофиқлаштириш имконини беради. Бу тадбирлар охир-оқибатда республикамизнинг жаҳон иқтисодий интеграциясига тобора чуқурроқ қўшилишига имкон беради.

2-БОБ. ХАЛҚАРО ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТДА АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОЛАТИ, МУАММОЛАРИ ВА ЕЧИМЛАРИ

2.1.Халқаро амалиётда аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати ва йўналишлари

Манбаларга кўра аудиторлик хизматлари бозорини пайдо бўлишига анчагина вақт бўлган. Бу бозорда хизматларни кўрсатувчи (сотувчи) ролини ўйнайдиган аудиторлик ташкилотлари бундан қарийб 500 аср олдин пайдо бўлган. Чунончи, аудиторлик ташкилоти биринчи бор Венецияда 1581 йилда ташкил этилган ва у "CoLLegio Dei Rekonati"деб аталган. Бу ташкилот обрусининг баландлиги ва унга аъзо бўлишни жуда қийинлиги билан ажралиб турган. Бу ташкилотга аъзо бўлиш учун ҳар бир номзод олти йил мобайнида тажрибали ҳисобчини ёнида ишлаган ва тегишли имтиҳонларни мувоффақиятли топширган ҳамда ўз устозидан тавсиянома олган бўлиши лозим эди. Аудитнинг ҳукукий асосларини илк бор вужудга келиши Шотландияга, аниқроқ қилиб айтилса, унинг пойтахти Эдинбургга бориб тақалади. 1853 йилда у ерда расман Эдинбург аудиторлар институти ташкил қилинган.

Саноатнинг ривожланиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини купайиши, корхоналардаги ҳисоб-китоб қайдлари кўламини ортиши ва уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш нуктаи назаридан тасдиқлаш заруриятини юзага келганлиги аудит тўғрисидаги қонуннинг туғилишига сабаб бўлди. 1844 йилда Буюк Британияда компаниялар тўғрисида қабул қилинган қонунлар мажмуида биринчи бор фирмаларнинг низомларида уларнинг ҳисоб- китоблари ва ҳисоб варақларини текшириб боровчи аудитор лавозимини жорий қилиниши кузда тутилган.

Буюк Британияда 1845 йилда илк бор темир йул фирмалари балансларини аудиторлик текширувдан ўтказиш қонун билан мажбурий қилиб қўйилган. Аудиторлик текширувини мажбурий қилиб

қўйилганлиги бундай хизматларга эҳтиёжни кескин ортишига сабаб бўлди ва у анча даромадли соҳага айланди. Бунинг натижасида бу соҳага нопок шахсларнинг интилиши кучайди. Натижада баъзи бир аудиторларни ўз касбини суистеъмол қилганликлари оқибатида касб обрўсини сақлаш ва орттириш борасидаги тегишли ишларни қилиш ва уни бажарадиган ташкилот тузишга эҳтиёж туғилди. Улардан бири 1870 йили Буюк Британияда тузилди ва аввал "Инглиз бухгалтерлари институти" номи билан юритила бошланди. Кейинчалик эса 1880 йилдан бошлаб эса у "Инглиз ва Уэльс дипломли бухгалтерлар институти" номи билан юритила бошланди.

1885 йилда Лондонда "Аудиторлар ва бухгалтерлар жамияти" юзага келди. Бу жамиятлар мамлакат микёсида бухгалтерия тамойилларини белгилаш ва фирмаларни аудиторлик текширувидан ўтказиш билан шуғулланган. Ҳаракатдаги қонуниятга кўра Буюк Британиядаги барча корхоналар ва ташкилотлар юқорида тилга олинган жамият аъзолари томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилиши шарт қилиб қўйилган. Бу жамият аъзолари миждозларга аудиторлик текширувларидан ташқари солиқлар ва корхонанинг истиқбол йўналишларини белгилаш борасида ҳам маслаҳатлар беришган.

Аудиторлик Буюк Британияда касб сифатида обру топа бошлагандан сўнг, 1880 йилларда бу ўлкадан АҚШ ва Канадага кўчиб кетган бухгалтерлар Квебек шаҳрида қирол ҳукуматининг рухсати билан "Квебек дипломли бухгалтерлар институти" ва 1886 йилда Нью-Йоркда "Америка давлат бухгалтерлар жамиятини" барпо қилишган.

Европада аудиторлик текширувларини Буюк Британиядан кейин 1867 йилда Франция илк бор амалиётга жорий қилди.

Аудиторлик текширувларининг аҳамиятини тушунган мамлакатлар бирин-кетин уни ўз иқтисодий ҳаётларига жорий қила бошладилар. Шунга кўра аудиторлик тўғрисидаги қонун Голландияда 1893 йилда, Германия ва АҚШда 1896 йилда, Ҳиндистонда 1909 йилда қабул қилинди.

Россияда "аудит" сўзи Петр ҳукмронлик қилган даврларда пайдо бўлган. У даврда "аудитор" сўзи ҳарбий терговчи маъносини англатган. Биринчи марта бу сўз генерал Вейде томонидан 1698 йилда ҳарбий кўшинлар учун тузилган Низомда тилга олинган. Аудиторлар асосан ҳарбий кўшинларда фаолият кўрсатиб, низолар билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш ва улар тўғрисида хулоса бериш билан шуғулланганлар.

Россияда аудиторлар институтини расман ташкил қилишга 1888, 1907-1912 ва 1929-1930 йилларда ҳаракат қилиб кўрилган. Лекин буларнинг барчаси ҳукукий асоснинг йўқлиги натижасида муваффақиятсизликка учраган.

Аудиторлик ишини ривожланишига 1929-1933 йилларда юз берган жаҳон иктисодий инқирози сезиларли таъсир кўрсатди. Акционерлик жамиятлари ва корхоналарнинг оммавий инқирозга учраши уларнинг ҳисоботларини мустақил аудиторлар томонидан тасдиқлаш заруриятини туғдирган. Бунинг натижасида 1931 йилнинг ўзидаёқ Германияда ҳукумат қарори билан ҳисоботи эълон қилиниши лозим бўлган корхоналарда аудиторлик текширувларини ўтказиш мажбурий қилиб қўйилган.

АҚШда эса худди шу мақсадда 1932 йили "Қимматбаҳо қоғозларнинг тўғрилиги ҳақидаги АКТ" қабул қилинди. Унга кўра акция ва облигациялар чиқарувчи ҳар қандай корхоналар ўз фаолиятларини йилда бир марта аудиторлик текширувидан ўтказишлари шарт эканлиги таъкидланган. Бундан ташқари мана шу ҳужжат асосида қимматли қоғозлар ва биржалар фаолиятини тартибга солувчи Комиссия акциялар ва облигациялар чиқараётган ва ўз фаолиятини турли штатларда олиб боровчи компанияларнинг молиявий ҳолатини текшириш ва улар бўйича аудиторлик хулосасини тайёрлаш бўйича махсус талаблар ишлаб чиқди. Бу ҳужжатда кўрсатилган талабларга кўра юқорида тилга олинган корхоналарда текширув олиб борган аудитор ўз ҳисоботида амалга оширган ишларни тўлиқ ёритиши ва корхона молиявий фаолияти бўйича ўз фикрини аниқ баён қилиши лозим эди. Бу қоида тез орада ўз ижобий натижасини кўрсатди.

Шундан сунг 1934 йилда, "Молиявий ҳисоботларни мустақил аудиторлар томонидан текшириш" деб номланган ҳужжат эълон қилинди. Бу ҳужжатда аудиторлик фаолиятини андозага солиш ишлари давом эттирилиб, аудиторларга теширув жараёнида инвентар қайдномаларини ўрганиш ва ҳисоблашлар бўйича дебиторларни тасдиқлаш қондасига риоя қилиш таклиф қилинди.

Аммо ўша даврдаги амалий тажрибадан келиб чиқиб, аудиторлар инвентар қайдномаларини ўрганмай ва дебиторлик қарзларини аниқламай туриб ҳам, молиявий ҳисоботларни тасдиқлашда давом этавердилар. Таклиф қилинган кўрсатмаларга лоқайдлик билан қараш сохта муомалаларни кўпайишига олиб келди.

Бу ҳолат аудиторлик текшируви андозаларини яратиш жараёни билан шуғулланадиган комитетни тузишни тақозо қилди ва 1939 йили Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти томонидан умумий тарзда фойдаланиш учун қабул қилинган аудит андозаларининг яратишга асос булган расмий қондалар биринчи маротаба эълон қилинди.

Аудиторлик ишининг янги босқичга кўтарилиши юз бериши мумкин бўлган хатоликлар ва қонунбузарликларни олдини олиш учун ички аудитни ривожлантириш зарурлигини келтириб чиқарди. Шунга кўра Америка Қўшма Штатлари 1941 йилда ички аудиторлар институтини ташкил қилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Аргентинада 1945 йилда, Бразилия ва Мексикада 1946 йилда, Италия, Греция ва Нигерияда 1955 йилда аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. 1948 йили Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти «Умумий тарзда қабул қилинган аудит андозаларини» тасдиқлади, ички аудиторлар институти эса "Ички аудиторларнинг мажбуриятлари" ни эълон қилди.

Европада аудит андозаларини яратиш устида ишлаш XX асрнинг 50-йилларида бошланди. Бу борадаги изланишларни олиб бориш учун 1951 йилнинг ноябрь ойида Парижда "Иқтисод ва молия соҳасида тафтиш олиб борувчи экспертларнинг Европа кенгаши" ташкил қилинди. Бу ташкилот ўз

таъсир доирасига кирган 18 та Европа мамлакатларининг 29 та ташкилотида қўлланилиши кўзда тутилган аудит андозаларини яратди.

Буюк Британияда аудит соҳасидаги ишларни тартибга солиш иши билан Англия ва Уэлс дипломли бухгалтерлар институти, Ирландия дипломли бухгалтерлар институти, дипломли бухгалтерларнинг қиролик ассоциацияси, қироликнинг молиялаштиришнинг ижтимоий жамғармалари ва ҳисоби институтини ўз таркибига олган "Бухгалтерия ташкилотларининг маслаҳат комитети" шуғулланди. Бу комитет қошида Буюк Британия аудиторларининг фаолиятида фойдаланиш мажбурий ҳисобланган аудит андозаларини ишлаб чиқишни ўз зиммасига олган "Аудиторлик амалиёти комитети"(APC)(Audit Practices Committe) фаолият кўрсатди. Бу ташкилот ҳозир ҳам аудит андозаларининг аудиторларга янада тушунарли қилиш борасида эътиборга лойиқ ишларни олиб бормоқда. Манбаларга кўра, бу ташкилот томонидан аудит андозаларидан фойдаланиш тартиби ёритилган 27 та алоҳида қўлланма, 10 дан ортиқ қисқа кўрсатма ва яна бир қанча шарҳлар ишлаб чиқилган. Мана шу маълумотларни ўз ичига олган аудит ва ҳисобот бўйича чиқадиган йиллик маълумотномалар ҳар йили 1070 варақдан ортади.

1973 йили Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти (AICPA)нинг молиявий ҳисоботлар билан шуғулланувчи Кенгаши ташкил топди ва у ҳозиргача қўлланилиб келинаётган ва замон талаби билан тўлдирилиб борилаётган "Умумий тарзда қабул қилинган аудит андозалари (GASS)" ни эълон қилди.

Иқтисодиёт, бизнес ва савдо соҳасида халқаро муносабатларнинг кучайиши, ўзга давлатлар иқтисодиётига капитал сарфини сезиларли тарзда ортиши, бир неча мамлакатлар иштирокида тузилган халқаро миллий корпорациялар таъсирининг кучайиши ва бунинг натижасида халқаро бухгалтерия ҳисобининг аҳамиятини ортиши ҳамда халқаро миқёсда хизмат кўрсатувчи аудиторлик фирмаларининг пайдо бўлиши натижасида 1977 йили Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC) ташкил топди. Бу уюшмага дастлаб 49 мамлакатдан 63 та ташкилот аъзо бўлиб кирган бўлса, ҳозирда

унга 79 давлатдан 105 ташкилот аъзо бўлиб турибди. Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси шу кунгача аудиторлик фаолиятида фойдаланиш учун 29 та асосий ва яна 4 та йўлдош андозалар ишлаб чиқди ва эълон қилди. "Кучли олтилик" деб тан олинган халқаро аудиторлик фирмалари ўз фаолиятларида IFAC ишлаб чиққан андозалардан фойдаланиши ва уларга ишора қилиши бу ташкилотнинг обрўсини юқорилигидан далолат беради.

Аудит амалиётида компьютерлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. 60-йилларда бухгалтерия вазифаларини бажариш жараёнига компьютерларни жалб қилиш жуда кучайди. Чунки бу тобора ортиб бораётган ахборотлар тўпламини тез, сифатли ва кўп вариантли усулда қайта ишлаш имконини берар эди. Шунинг учун Америка ички аудиторлар институти 1977 йили аудит сифатини баҳолаш ва маълумотларни электрон қайта ишлаш тизимларини назорат қилиш мақсадида аудитнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланиш имкониятлари бўйича лойиҳа ишлаб чиқди. 1976 йили "Маълумотларни электрон қайта ишлаш тизими аудиторлари ассоциацияси", "Маълумотларни электрон қайта ишлаш тизими аудиторлари институти" ва ассоциациянинг тадқиқот ҳамда таълим билан шуғулланувчи шаҳобчаси ташкил қилинди. Бу ташкилотлар томонидан олиб борилган ишлар натижасида 1987 йили "Ахборот тизимларида аудитнинг умумий андозалари" яратилди.

Собиқ Совет Иттифоқида бошланган қайта қуриш 80-йилларнинг ўрталарида чет эл сармоялари иштирокида тузилган кўшма корхоналарнинг юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида ҳам чет эл сармоячилари, ҳам совет давлати томонини тегишли маълумотлар билан таъминлаб турувчи аудиторлик ташкилотига зарурат туғилди. Шунинг учун ҳуқуқий асос йўқлигига қарамай СССР Вазирлар Маҳкамасининг 1987 йил январь ойидаги 48 ва 49- сонли қарорлари билан кўшма корхоналарда мажбурий аудиторлик текширувларини амалга ошириш билан шуғулланувчи биринчи аудиторлик фирмаси "ИНАУДИТ" юзага келди.

Собиқ Иттифок Республикалари ичида Эстония Республикаси аудиторлик фаолиятини биринчилар қаторида амалиётга жорий қилди. Бу ерда Эстония Республикасининг 1990 йил 19 февралдаги 33-сонли қарори билан "Эстония Республикасида аудиторлик фаолияти тўғрисида вақтинчалик Низом" қабул қилинди. Худди шундай вақтинчалик Низом Белоруссия Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 сентябрдаги 367-сонли қарори билан Белоруссия республикасида ҳам тасдиқланди. Вақтинчалик Низом ҳаракат қилган вақт давомида тўпланган тажриба асосида Белоруссия республикасида аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун ишлаб чиқилди ва у 1994 йилнинг 4 февралдан кучга кирди.

Украина Республикаси Олий Совети томонидан қабул қилинган "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонун 1993 йилнинг июль ойидан кучга кирди.

1992 йилнинг 17 июни куни эса Россия федерациясининг 38 та шахридаги 45 та аудиторлик ташкилотларининг ташаббусларига кўра "Россия аудиторлар коллегияси" юзага келди. Россия Федерацияси Президентининг 1994 йил 4 февралдаги 54 - РП сонли фармойишига асосан ташкил этилган Россия Президенти ҳузуридаги аудиторлик фаолияти буйича Комиссия Россия Федерацияси ҳудудида аудиторлик фаолиятини тартибга солиш, маҳаллий хусусиятлардан келиб чикиб аудит андозаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш ишлари билан шуғулланмокда.

Ҳозирги кунда Россия Федерациясида 4 мингдан ортиқ аудиторлик фирмалари фаолият кўрсатиб турибди. Шундан мингдан ортиғи Москва шаҳрининг ўзида жойлашган. "Юникон", "Росэкспертиза", "Группа Центр Инвест", "ФБК", "Руфаудит" каби аудиторлик-маслаҳат фирмалари бу соҳада жуда сезиларли ютуқларга эришдилар.

Республикамизда аудиторлик хизматлари бозорини пайдо бўлиши ва ривожланишида жаҳон бозорида тан олинган йирик халқаро аудиторлик ташкилотларининг кириб келиши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу йирик

аудиторлик ташкилотларига "Артур Андерсен", "КПМГ", "Эрнест энд Янг", "Прайс Уотерхауз Куперс" ва "Делойт энд Туш" каби аудиторлик ташкилотлари киради. Бу ташкилотларнинг қудратини кўз олдимизга келтириш учун қуйидаги маълумотларга мурожаат қилиш kifоя. 1849 йил Лондонда асос солинган "Прайс Уотерхауз" фирмасининг ҳозирда жаҳоннинг 122 мамлакатада бўлимлари мавжуд ва уларда 45 мингдан ортиқ киши хизмат қилади. "IBM", "Шелл", "Эксон", "Барклейз Бенк", "Ллойдз Бэнк", "Чейз Манхеттен Бэнк", "Кодак", "Рейтер", "Сони" каби машҳур корпорациялар ушбу аудиторлик ташкилотининг мижозлари хисобланадилар.

Машҳур аудиторлик ташкилотларидан яна бири бўлган "Эрнест энд Янг" аудиторлик ташкилоти жаҳоннинг 141 дан ортиқ мамлакатларида фаолият кўрсатади, унда 6400 ходим ишлайди. Бу ташкилотнинг қудратини қуйидаги маълумотлар тасдиқлаши мумкин. Америкада чиқадиган "Форчун", "Американ Банкир", "Бейт", ва "Инк" журналларининг маълумотларига кура "Эрнест энд Янг" фирмаси жаҳондаги:

- а) 500 та йирик саноат компанияларининг 109 тасига
- б) 100 йирик банкнинг 33 тасига
- в) 200 та етакчи суғурта компанияларининг 68 тасига
- г) 182 та йирик тиббиёт марказларининг 66 тасига
- д) Мудофаа Вазирлигига қарашли 100 етакчи компанияларнинг 22 тасига
- е) 100 жуда тез ўусаётган компанияларнинг 25 тасига хизмат кўрсатади.

Ушбу аудиторлик ташкилоти хизмат курсатаётган мижозлар ичида "Макдональдс", "Кока-кола", "Американ Экспресс", "Дженерал Моторс", "Шев-рон", "Бритиш Петролиум" каби машҳур корпорациялар бор.

Голландия, Буюк Британия, АҚШ ва Германиядаги аудиторлик фирмалари иштирокида тузилган "КПМГ" халқаро аудиторлик ташкилотининг 142 та мамлакатда, 500 дан ортиқ шаҳобчалари мавжуд,

уларда 40 мингдан ортиқ ходим хизмат қилади. "Ксерокс", "Дженерал Электрик" каби машҳур корпорациялар ушбу аудиторлик ташкилотининг мижозлари бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг аудит хизматлари бозорида ўз ўурини топишга ҳаракат қилаётган халқаро аудиторлик ташкилотларидан яна бири "Делойт энд Туш" аудиторлик ташкилотидир. Ушбу аудиторлик ташкилоти жаҳоннинг 126 мамлакатида ўз бўлимларига эга бўлиб, дунёда энг йирик ҳисобланган 200 банкдан 55 тасига ва миллиард доллардан юқори активга эга бўлган жами банкларнинг 27 фоизига хизмат кўрсатади. Бу ташкилот Ўзбекистон бозорида банк тизимини жаҳон андозаларига мослаштириш, уларни аудиторлик текширувидан ўтказиш, ходимларини ўқитиш масалалари билан шуғулланмоқда.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган қисқача шарҳдан кўриниб турибдики, халқаро миқёсда аудиторлик хизматлари бозори ўзининг узок даврлардан бери ривожланиш тарихига эга. Ушбу тарихни турли бошқа жиҳатлар, чунончи, бу бозорнинг бош ижроси бўлган аудиторлик ташкилотларига қўйилаётган талаблар, улар фаолияти негизига асос қилиб олинган тамойиллар, профессионал ва этик меъёрлар, шунингдек аудиторлик ташкилотлари фаолиятидаги ижобий ҳамда салбий ҳолатлар бўйича ҳам тўлдириш мумкин. Ушбу жиҳатларга чуқур киришмасдан туриб, фақатгина халқаро аудиторлик хизматлари бозорининг бизнинг мамлакатимизда ушбу бозорда тўпланган ижобий тажрибалардан фойдаланиш йўналишларига эътиборни қаратмоқчимиз.

Биринчи ва энг муҳим аҳамиятга молик бўлган тажриба – бу малакали аудиторларга ва жаҳон ҳамжамиятлари томонидан тан олинган аудиторлик ташкилотларини шакллантирилганлигидир. "КПМГ", "Эрнест энд Янг", "Прайс Уотерхауз Куперс" ва "Делойт энд Туш" каби машҳур аудиторлик ташкилотлари тажрибаларини ўрганиш бизнинг миллий аудиторлик ташкилотларимизни ҳам келгусида шулар сафига аста-секин кириб боришининг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон мамлакатлари бозорига

чукур кириб борган ушбу аудиторлик ташкилотларида халқаро миқёсда тан олинган амалиётчи, профессионал аудиторлар синфи шаклланган. Уларнинг қарийб барчаси халқаро жамоатчилик ташкилотлари томонидан эътироф этилган САР, СІРА ва бошқа нуфузли диплом соҳибларидир.

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши бўйича йиқилган тажрибага кўра йирик компаниялар ва халқаро корпорациялар узоқ вақтлар давомида ўз аудиторларини алмаштирмасликка ҳаракат қиладилар. Мисол учун жаҳонга машҳур бўлган "ІВМ","Эксон","Дюпон" каби компаниялар узоқ даврлардан бери "ПРАЙС УОТЕРХАУЗ";"Форд" компанияси эса "КУПЕРЗ ЭНД ЛАЙБРАНД";"Макдональдс","Кока-Кола" фирмалари эса "ЭРНЕСТ ЭНД ЯНГ";"Дженерал электрик","Ксерокс" компаниялари эса "КПМГ"; "Дженерал моторс","Боинг", "Крайслер" компаниялари эса "ДРТ"; "Юнайтед эйрлайнз" компанияси эса "АРТУР АНДЕРСЕН" каби халқаро аудиторлик ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келадилар.

Халқаро аудиторлик ташкилотларининг муҳим аҳамиятга молик тажрибаларидан яна бири уларда кўрсатилаётган интер фаолхизматларнинг сайтининг мавжудлиги ҳамда бундай интерактив хизматлар сайтининг ошқорийлиги, оммавийлиги, доимий тўлдириб борилишидир.

Халқаро аудит ташкилотларининг муҳим аҳамиятга молик тажрибаларидан бири бўлиб улар томонидан кўрсатилаётган аудиторлик хизматларининг келажакка қаратилганлигидир. Бугунги кунда аксарият машҳур аудиторлик ташкилотлари мослик ва мувофиқлик бош мақсади бўлган аудиторлик текширувлари ҳисобидан эмас, балки тизимли-мўлжалланган аудит, бошқарув аудити, профессионал консалтинг хизматларидан асосий даромад олмақдалар. Айнан шундай йўлни танланиши уларнинг мижозларини сонини борган сари ошиб боришига олиб келмоқда.

2.2. Ўзбекистон Республикасида аудиторлик хизматларини ривожлантиришнинг ҳолати, муаммолари ва уларнинг ечимлари

Республикаимизда мустақиллик қўлга киритилган кундан бошлаб барча жабҳаларни тубдан ислоҳ қилиш масаласи кўндаланг қўйилди. Давлатимиз Президенти бошчилигида иқтисодий тараққиётнинг «ўзбек» модели ишлаб чиқилди. Ушбу модел негизига олинган 5 та умумжаҳоншумул тамойилларга асосан давлат ва бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қуриш ишлари олиб борилди. Бу жараёнлар ҳозиргача изчил давом эттирилмоқда.

Республикаимизда юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва бошқа турдаги ўзгаришлар молиявий назоратнинг янги турларини, айниқса жаҳон миқёсида тан олинган аудиторлик хизматларини шакллантиришни кун тартибига қўйди. Ушбу муҳим вазифани бажариш борасида босиб ўтилган 20 йил ичида оламшумул ютуқларга эришилди, десак хато бўлмайди. Чунки, тушимизга кириб чиқмаган, оддий тасаввурда ҳам бўлмаган, ҳеч қандай тажрибага эга бўлинмаган собиқ совет тузимидан халос бўлган пайтимизда ҳаётимизга «аудит» деб номланмиш янги фаолият тури жуда тез кириб келди. Ўтган давр ичида бу фаолият макон ва замонда объектив зарурат, жараён, инсонларнинг касби, меҳнати сифатида ўз ўрнини топди.

Хўш, ўтган 20 йил ичида республикаимизда аудиторлик хизматлари бозори қандай ривожланиш босқичларини ўтади, бу борада қандай ютуқларга эришилди? Аудит хизматлари бозоримизнинг ҳозирги ҳолати қай даражада? Бу бозоримиз халқаро аудит хизматлари бозори талабларига қай даражада жавоб беради? Ушбу хизматлар бозорининг бугунги муаммолари нималардан иборат? Бу муаммолар ечимлари қанақа?

Ушбу ва бошқа таббий пайдо бўладиган саволлар, албатта, ҳеч кимга бефарқ эмас. Шу боис ҳам, қуйида республикаимизда аудиторлик хизматлари бозорига оид юқоридаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Энг авваламбор таъкидлаш жоизки, республикаимиз мустақилликни қўлга киритган собиқ иттифок республикалари ичида биринчилар қаторида

аудиторлик фаолияти тўғрисида ўз миллий қонуни қабул қилган қилган республикалардан бири ҳисобланади. 1992 йил 30 декабрда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун» республикамизда аудиторлик хизматлари бозорини пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишига асос солди. Ушбу қонун қарийб 8 йил мабойнида амалда бўлди. У 2000 йил 25 февралда янада тўлдирилган ва такомиллаштирилган янги таҳрирда тасдиқланди.

Босиб ўтилган 20 йил мабойнида республикамизда аудиторлик хизматлари бозорини ривожланишини амалга оширилган аниқ чоратадбирларга кўра қуйилаги 3 та босқичга ажратиш мумкин:

*аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланиш босқичи (1992-1999 йиллар);

*аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш босқичи (1999 – 2006 йиллар);

*аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектларга давлат талабларини кучайиши ва улар фаолияти самарадорлигини янги даражаларга олиб чиқиш босқичи (2007 йилдан ҳозирги кунгача).

Аудиторлик хизматлари бозорини ривожланишини ушбу учта босқичларга ажратишга асос бўлувчи ҳолатлар, шунингдек ушбу босқичларда эришилган энг асосий ютуқлар сифатида биз қуйидагиларни эътироф этган бўлар эдик.

Аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланиш босқичи (1992-1999 йиллар)

1992 йилда қонун қабул қилингандан сўнг республикамизда аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектлар фаолиятини лицензиялаштириш, аудиторларни тайёрлаш, уларга малака сертификатини бериш, аудиторлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензиялш тартиблари, бу ишлар вақолатлари берилган давлат органлари фаолиятини тартибга солишга оид қатор қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Аудиторлик ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси Ўзбекистон

Республикаси Адлия вазирлигига, улар фаолиятини лицензиялаштириш ҳамда аудиторларга малака сертификатини бериш ваколати эса Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигига берилди. Шу йиллар ичида республикамызда устав капиталнинг минимал миқдори чегараламаганлиги сабабли унга жуда кичик миқдорда эга бўлган турли мақомдаги, яъни ёпик турдаги акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият, хусусий аудиторлик фирмаси мақомидаги асосан микро ва кичик корхоналар бўлган аудиторлик ташкилотлар, мос равишда, дастлабки малакавий сертификатларга эга бўлган аудиторлар синфи вужудга келди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу 1-босқич аудиторлик хизматлари бозорида синов босқичи бўлди. Олдинлари амалиётда учрамаган ушбу фаолият турига одамларда, корхона раҳбарларида, давлат органи ходимларида кўникишлар ҳосил қилинди. Энг муҳими олдинлари тафтиш нима эканлигини бошидан ўтказган корхона раҳбарларининг айримларида аудитга нисбатан салбий фикрлар, бошқаларида эса бу фаолиятнинг ўта фойдалиги, ундан кўпроқ фойдаланиш мумкинлиги, ушбу хизматларни янада яхшилаш зарурлиги тўғрисида ижобий фикрлар шаклланди. Малака сертификатига эга бўлган аудиторларнинг ўзларида ушбу янги эгалланган касбга ўрганиш, уни олиб бориш тажрибаси, бу мансабдан турли мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида кўникмалар пайдо бўлди. Бу босқичда аудиторлик хизматларига давлат томонидан солиқ тўловларидан тўлиқ озод қилиб қўйиш тартиби мавжуд эмас эди. Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, барча харажатларни қоплаш ва фойда олиш тамойилларига асосланиб ишладилар.

Аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантиришнинг 1-босқичи ушбу фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини ташкил қилувчи «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун»ни тўлиқ ижросини таъминлаш мақсадида қонуности ҳужжатларини, чунончи аудиторлик фаолияти миллий стандартларини ишлаб чиқиш зарурати борлигини кўрсатди. Айнан шундай зарурат 1-босқичга кирувчи 1996-1999 йилларда аудиторлик фаолиятига доир

халқаро стандартларни чуқур ўрганиш, улар асосида аудиторлик фаолияти миллий стандартларини ишлаб чиқиш борасидаги ишларни олиб боришни тақозо этди.

Аудиторлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш босқичи (1999 – 2006 йиллар)

1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги аудиторлик фаолияти миллий стандартларини (АФМС) қабул қила бошлади. Чунончи, 1999-2000 йилларда 9 АФМСлар ишлаб чиқилди, улар Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди ва ишга туширилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қабул қилинган АФМСлар аудиторлик ташкилотларида етарлича эътибор берилмасдан келинаётган жиҳатларга бўлган талабларни оширди. Чунончи, 3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш» аудиторлик текширувларини режаси ва дастурини тузишга доир умумий талабларни белгилади, бу дастакларни яратиш ва уларга амал қилиш бўйича аудиторлик ташкилотлари масъулиятини оширишга олиб келди. Аудиторлар иш сифатини пастлиги эътиборга олан ҳолда унга кўйиладиган талабларни ўзида мужассамлаштирувчи 5-сон АФМС «Аудитор ишининг сифатини назорат қилиш» қабул қилинди. Шунингдек, аудиторлик фаолиятини натижаларини расмийлаштириш, эксперт ишидан фойдаланиш ва унинг бошқа жиҳатларига кўйилган талабларга бағишланган бошқа АФМСлар республикамізда аудиторлик хизматларини ривожлантиришнинг ушбу босқичида эришилган муҳим ютуқлардан бўлди.

Ўтган 8 йил 1992 йилда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида қонун»ни янада такомиллаштириш зарурати борлигини кўрсатди. Булар ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2000 йил 25 февралда аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунни янги таҳрирда тасдиқлади. Қонуннинг янги таҳририга унинг олдинги таҳриридан фарқли ўлароқ кўплаб ўзгартиришлар киритилди. Чунончи, янги таҳридаги қонунда аудиторлик фаолиятининг фақат лицензияга эга бўлган аудиторлик

ташкilotи томонидан ўтказилиши белгиланди, уни якка аудиторлар томонидан ўтказилиши бекор қилинди, аудитор ёрдамчиси ва бошқа қатор янги моддалар киритилди. Мажбурий аудит кўйигидан ўтказиладиган корхоналар таркиби қисман янгиланди, аудиторлик ташкилотларига аудиторлик текширувлари ва профессионал хизматларни кўрсатишда янги талаблар белгиланди.

2000 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус 365-сонли «Аудиторлик фаолиятни такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг ахамиятини ошириш тўғрисида» қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда илк бор фаолият юраётган аудиторлик ташкилотлари бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишдаги ролини ошириш чоралари белгиланди, қарор асосида «Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисидаги низом», «Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низом», аудиторлик ташкилотлари учун устав сармоясининг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдорида белгилаш, бунда янгидан ташкил этиладиган аудиторлик ташкилотлари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида таъсис ҳужжатларида назарда тутилган устав сармоясини шакллантириш, фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотлари 2001 йил 1 сентябргача устав сармоясининг энг кам миқдорини энг кам ойлик иш ҳақининг 1200 баравари миқдорига етказиш тартиблари тасдиқланди.

2000 йил 13 октябрда «Аудитор малака сертификатини бериш тўғрисида Низом» қабул қилинди ва унга асосан аудиторларга малака сертификатини беришнинг янги тартиблари белгиланди.

2000-2007 йилларда республикада яна 10 та АФМСлар ишлаб чиқилди ва кучга киритилди.

Қабул қилинган қонуннинг янги таҳрири, Вазирлар Маҳкамасининг 365-сон қарори, бу қарор асосида тасдиқланган Низомлар, ВФМСлар 2000 йилдан 2007 йилгача республикада аудиторлик хизматлари бозорини янги даражага кўтаришга асос бўлди. 2005 йилнинг охирига келиб, аудиторлик ташкилотлар ва малака сертификатига эга бўлган аудиторлар сони энг юқори нуқтага етди, буни 3-жадвалда ҳамда 1-ва 2- диаграммаларда келтирилган маълумотлардан ҳам кўриш мумкин.

3-жадвал

2001-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида аудиторлик ташкилотлари ва сертификатли аудиторлар сони⁹ (йил охирига)

ЙИЛЛАР	АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ СОНИ	СЕРТИФИКАТЛИ АУДИТОРЛАР СОНИ
2001	393	959
2005	626	3925
2006	565	1772
2007	53	1362
2008	133	1137
2009	113	787
2010	106	640
2011	104	713



1-диаграмма. Ўзбекистон Республикасида 2001-2011 йиллар мобайнида аудиторлик ташкилотлари сонининг динамикаси

⁹ www.norma.uz



2-диаграмма. Ўзбекистон Республикасида 2001-2011 йиллар мобайнида сертификатли аудиторлар сонининг динамикаси

3-жадвал ҳамда 1-диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, 2001 йилнинг охирида 393 та аудиторлик ташкилотлари фаолият юритган бўлса, 2005 йил охирига келиб улар сони 626 тага етган. Аудиторлар сони 2001 йилнинг охирида 959 та бўлган бўлса, 2005 йилнинг охирига келиб улар сони 3925 тага етган.

Юқоридаги жадвал ва диаграммадан кўриниб турибдики, 2006 йилдан бошлаб аудиторлар сони ҳамда малака сертификатиغا эга бўлган аудиторлар сони камайиш томонган кетган. Чунончи, биргина 2006 йилда аудиторлик ташкилотлари сони 61 тага, малака сертификатиغا эга аудиторлар сони эса 2153 тага камайган. Шундай қилиб 2007 йилнинг бошига келиб, республикамизда лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари сони 565 тани, малака сертификатиغا эга бўлган аудиторлар сони эса 1772 тани ташкил этган.

Шундай қилиб, аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантиришнинг 2- босқичида унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилган, шунингдек аудиторлик ташкилотлари ҳамда аудиторларга бўлган давлат талаblари оширилган. Айнан давлат органининг аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларгв бўлган талаblарининг ошиши улар сонини маълум даражага қисқаришига олиб келган.

**Аудиторлик хизматларини кўрсатувчи субъектларга давлат талабларини кучайиши ва улар фаолияти самарадорлигини янги даражаларга олиб чиқиш босқичи
(2007 йилдан ҳозирги кунгача)**

2007 йилдан кейинги даврни республикамизда аудиторлик хизматлари бозорига бўлган қарашларнинг янги босқичи, деб аташ мумкин. Чунки ушбу даврдан бошлаб аудиторлик хизматлари самарадорлигини ҳамда аудиторлик ташкилотлари масъулиятини оширишга жуда ката эътибор қаратилди. Бу борада Республикамиз Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615 сон «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» қарори ўта муҳим рол ўйнади. Ушбу қарорда аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар суств баъзи ҳолларда сифатсиз татбиқ этилаётганлиги, аудит тизимидаги ишлар ҳолати ошган талабларга жавоб бермаслиги, аудит ҳали бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўлиб қолгани йўқлиги, аудиторлик текширувлари кўп ҳолларда юзаки ва паст профессионал даражада ўтказилаётганлиги, аудит тизимининг ўзи молия бозорида ҳали етарлича ишонч қозонган эмаслиги, Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда мустақил аудит тизимини янада ривожлантириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усулларини кўллаш, аудиторлик текширувларининг натижалари ва ҳолислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали тадбиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан ишончни ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

Ушбу чора-тадбирларни бажарилишини натижасида аудиторлик хизматлари бозорининг асосий иштирокчилари бўлган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар сони кескин қисқарди. Юқоридаги 3- жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2007 йилнинг охирига келиб

аудиторлик ташкилотларининг янги талаблар асосида қайта рўйхатдан ўтиши муносабати билан улар сони 512 тага қисқарди ва республикамизда «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида Низом» талабларига жавоб берувчи 53 та аудиторлик ташкилоти қолди. 2007 йилда аудиторлар сони 410 тага қисқарди ва йил охирига улар сони жами 1362 тани ташкил қилди.

2008 йилда республикамизда «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида Низом» талабларига мос келувчи аудиторлик ташкилотлари сони 80 тага кўпайди, бироқ кейинги даврларда улар сонидан яна пасайиш тенденциялари юз бермоқда. Чунончи, улар сони 2009 йил охирида 113 тани, 2011 йил охирида 106 тани, 2012 йилнинг бошига эса 104 тани ташкил этади. 2008 йилдан кейинги даврда малака сертификатига эга бўлган аудиторлар сонияна камайиш томонга ўзгарди. 2008 йилнинг охирида улар сони 1137 тани ташкил қилган бўлса, 2012 йилнинг бошига келиб улар сони 713 тани ташкил этди.


2011 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамизда 106 та аудиторлик ташкилоти фаолият кўрсатиб, улар лицензия турига кўра республикамизнинг ҳудудлари бўйича қуйидагича жойлашган (4-жадвал ва 3-диаграммага қаранг):

4-жадвал

Аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларнинг республика ҳудуди бўйлаб жойлашуви

№	Республика вилоятлари бўйича	Аудиторлик ташкилотлари сони	Лицензия турлари			Аудиторлар сони
			1-дар.	2-дар.	3-дар.	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2			2	8
2	Андижон вилояти	5	5			34
3	Бухоро вилояти	2	1		1	8
4	Жиззах вилояти	1		1		4
5	Қашқадарё вилояти	5	3		2	20
6	Навоий вилояти	1			1	2
7	Наманган вилояти	4	2		2	17
8	Самарқанд вилояти	4	1	1	2	19
9	Сурхондарё вилояти	2		1	1	5
10	Сирдарё вилояти	2	1	1		9

11	Тошкент вилояти	3	1	1	1	11
12	Фарғона вилояти	9	7	2		52
13	Хоразм вилояти	3	1	2		10
14	Тошкент шаҳри	63	43	7	13	367
	Жами:	106	65	16	25	566



3-диаграмма. Аудиторлик ташкилотларининг ҳудудлар бўйича тақсимои

4-жадвал ва 3-диаграммада келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, аудиторлик ташкилотлари умумий сонидан 59,4% Тошкент шаҳрида, 8,5 % Фарғона вилоятида ва 4,7% Андижон ва Қашқадарё вилоятида, 3,7% Самарқанд ва Наманган вилоятида жойлашган.

Аудиторлик ташкилотлари умумий сонининг 61,3% ни 1-даражадаги лицензияга эга бўлган ташкилотлар, 15,1 % ни 2-даражадаги лицензияга эга бўлган ташкилотлар, 23,6% ни 3-даражали лицензияга эга бўлган ташкилотлар ташкил этади.

Молия вазирлиги веб сайтида келтирилган маълумотларга га кўра, 640 нафар сертификатланган аудиторлардан фақат 566 нафари аудиторлик ташкилотларида ишлайди. 74 киши давлат органларида ва бошқа хўжалик субъектларида меҳнат қилади.

Аудиторларнинг умумий сонидан 64,8% Тошкент шаҳрида, 9% Фарғона вилоятида, 6%и Андижон вилоятида, 3,5% и Қашқадарё вилоятида ва 3,4% Самарқанд вилоятида қайд этилган аудиторлик ташкилотларида ишлайдилар.

Шундай қилиб, республикамизда аудиторлик хизматлари бозорида эришилган натижаларнинг юқорида келтирилган қисқача таҳлилидан кўйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

Биринчидан, республикамизда мустақиллик кўлага киритилгандан кейинги қисқа вақт ичида аудиторлик хизматлари бозори шакллантирилди. Ушбу бозорда аудит хизматларини тадбиркорлик асосида юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар, малака сертификатига эга кўплаб аудиторлар меҳнат қилмоқда.

Иккинчидан, аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан аудиторлик хизматларини ривожлантириш ва улар самарадорлигини оширишга катта эътибор бериб келинмоқда. Чунончи, аудиторлик ташкилотларини 2006 йилдан то 2017 йил 1 январгача фойда ва ягона солиқ тўловидан озод этилганлиги бунинг ёрқин гувоҳидир.

Учинчидан, босиб ўтилган 20 йил ичида аудиторлик хизматлари бозорида нафақат ютуқларга эришилди, балки бу соҳада ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларнинг мавжудлиги, уларни ечиш йўллари излаб топиш зарурлиги борлиги ҳам кўриниб қолди. Бугунги кунда фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотларимизнинг халқаро ташкилотлар томонидан етарлича тан олинмасдан қолаётганлиги, уларни хорижий миждозларга аудит хизматларини кўрсатмаётганлиги, халқаро сертификатга эга бўлган аудиторларимизнинг жуда камлиги, кўрсатилаётган хизматлар

бўйича маҳаллий корхоналаримиз томонидан аудиторлик ташкилотларига ҳамда аудиторларга билдирилаётган даъволар,, ишончсизлик ҳолатларининг мавжудлиги буларга ёрқин мисол бўлади.

Юқоридаги ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш йўллари излаб топиш, уларни ҳаётга изчил жорий этишимиз лозим.

Бизнингча, республикамизда аудиторлик хизматлари бозорини ривожлантириш борасидаги энг муҳим муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1-долзарб муаммо – бу профессионал кадрларни тайёрлаш масаласи.

Ушбу муаммони ҳал қилишда жаҳоннинг илғор мамлакатларида тўпланган тажрибаларни асос қилиб олиш, улар асосида ҳозирги кунда аудиторлар тайёрлаш тизимига айрим ўзгартиришларни киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон мамлакатларида аудиторларни тайёрлаш ва улар сафига ходимларни олишда ҳам ўзига хос диққатга лойиқ тажрибалар мавжуд. Масалан, АҚШ ва Францияда фуқаро аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини олиш учун олий иқтисодий маълумотга эга бўлиши ва ўз мутахассислиги бўйича амалиётда энг камида уч йил ишлаган бўлиши керак. Германияда эса амалиёт билан шуғулланиш даври аудитор учун 4 йилдан, Чехияда эса 10 йилдан кам бўлмаслиги керак.

Ҳаттоки аудиторлик фаолиятига жалб этишда ходимларнинг ёши ҳам эътиборга олинган давлатлар мавжуд. Чунончи, АҚШда олий ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассис аудиторлик фаолияти билан шуғулланиши учун унинг ёши 21 ёшдан, Францияда 25 дан, Чехияда эса олий маълумотлилар учун 35, олий маълумоти бўлмаганлар учун эса 40 ёшдан кам бўлмаслиги керак. Германия, Россия, Ўзбекистонда эса мавжуд қонуний ҳужжатларга кўра аудиторларга ёш нуқтаи назаридан чегара қўйилмаган. Ўзбекистон республикасида аудиторлик фаолиятини тартибга солиш билан шуғулланувчи ташкилотлар ушбу масала бўйича ҳам ўз муносабатини билдиришлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, олий ўқув юртлиридаги ҳозирги ўқитиш даражаси, бухгалтерия ҳисоби, ҳисобот ва аудитни жаҳон андозалари бўйича ўзбек тилидаги адабиётларнинг камлиги, айниқса вилоятларга бу йўналишдаги янгиликларнинг етиб боришининг қийинлиги, ушбу соҳада ҳали етарли тажрибанин йўклиги ва шунга кўра касб обрусини сақлашни ҳисобга олиб Ўзбекистон республикасида аудиторлик билан шуғулланувчи шахслар ёшини пастки чегарасини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, бу ёш 26 дан кам бўлмаслиги керак ва бунда даъвогарнинг амалий иш тажрибаси мутахассислик бўйича камида 5 йилни ташкил қилиши лозим. Фикримизни кандай асослаймиз? Аксарият ўқувчилар ўрта мактабни 17 ёшда тамомлайдилар. Агар улар ўша йили олий ўқув юртига киришга мувоффақ бўлсалар 4 йилдан кейин дипломли мутахассис бўлиб етишадилар. Лекин назарий билимнинг ўзи сифатли аудиторлик текширув ўтказиш учун кифоя эмас. Демак, у бирор бир корхонада ҳисоб-китоб ёки солиқ ишларида тажриба орттириши керак. Иқтидорли мутахассис, бизнинг фикримизча, 5 йилда ўз ишининг анчагина икир-чикирларини билиб олиши мумкин.

Фаолият бошлаш учун аудиторга қўйиладиган талаблардан яна бири уни аудиторлар палатаси ёки бошқа обрўли ташкилотлар томонидан белгиланган дастур асосида малака имтиҳонларини топширган, бу тўғрисида шаходатнома олган ва махсус рухсатнома (лицензияга) эга булган булишлигидир.

АКШда бўлажак аудиторлар бухгалтерия ҳисоби назарияси; бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисоб; аудит назарияси ва амалиёти; корхоналар иқтисоди ва молия каби фанлардан малака имтиҳонлари топширадилар.

Европа ҳамкорлиги кенгаши ўзининг 1984 йил 10 апрелда бўлиб ўтган йиғилишининг 8-кўрсатмасида умумий бозор давлатлари доирасига кирган мамлакатларда фаолият кўрсатиш ҳукуқига эга бўлиш учун аудиторлар аудиторлик иши, йиллик ҳисобот таҳлили, консолидациялаштирилган ҳисобот, молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби, ички назорат тизими, рақобат, солиқ, гражданлик,тижорат, меҳнат ва суғурта ҳукуқи, ахборот тизимлари;

корхоналар ва тармоқлар иқтисоди, молия, математика ва статистикадан мукамал билимга эга бўлишлари ва шу фанлардан имтиҳон топширган бўлишлари керак, деган талабни қўйди ва ўз ҳамкорларига шу рўйхат асосида малака имтиҳонларини ташкил қилишни таклиф қилди.

Германияда мутахассислик имтиҳонлари тегишли блокларга ажратилган: Буларга қуйидагилар киради:

1. Аудиторлик иши;
2. Корхоналар ва тармоқлар иқтисоди ;
3. Микро ва макроиқтисодий сиёсат асослари ва молия;
4. Хужалик ҳуқуқи ;
5. Солиқ ҳуқуқи

Имтиҳонлар таркибига давлатнинг юқори иқтисодий идораларининг, саноатчилар доираси ёки савдо-саноат палатасининг ёки шунга ўхшаш ташкилотларнинг биттадан вакили ва иккита аудитор кирган камида 15 йиллик амалий тажриба ва бухгалтерия ҳисоби, аудиторлик иши, қонунчилик, солиқ соҳалари бўйича мукамал билимга эга бўлган комиссия томонидан қабул қилинади.

Буюк Британияда аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун олий ёки ўрта махсус маълумотли бўлиш, малака имтиҳонларини топшириш етарли эмас. Аудитор булардан ташқари "олий мартабали бухгалтер" унвонига эга бўлиши ва мустақил касб эгаси ёки аудиторлик фирмасининг хизматчиси сифатида бирор бир касб ташкилотининг аъзоси бўлиши лозим.

"Олий мартабали бухгалтер" ёки "олий малакали бухгалтер" унвонини олиши осон эмас. Бунинг учун университет ёки институтни тамомлаш ёки катта тажрибали амалиётчи бўлиш етарли эмас, даъвогар булардан ташқари касб сертификациясидан ўтиши лозим. Америкада бу иш қуйидаги учта йуналиш бўйича амалга оширилади:

- *молиявий ҳисоб,
- *бошқарув ҳисоби,
- *ички аудит.

Сертификат олиш дастурида молиявий ҳисоб буйича: аудиторлик иши, хўжалик ҳуқуқи, ҳисобнинг назарий муаммолари, ҳисобнинг амалиётга тадбиқ қилиш аспекти; бошқарув ҳисоби буйича: бизнес иқтисоди ва молияси, бихивиоризм* назарияси, бошқарувнинг ташкилий ва психологик аспекти; ҳисоботни тузиш; аудиторлик текширувини ўтказиш, солиққа тортиш қоидалари, ички ҳисобот ва унинг таҳлили, қарор қабул қилиш, моделлаштириш ва ахборот тизимлари назарияси; ички аудит бўйича эса: ички аудит назарияси ва амалиёти, бошқарув, миқдорий усуллар ва ахборот тизимлари, ҳисоб молия ва иқтисод саволлари каби йўналишлар бўйича билим бериш кўзда тутилган.

Бу ҳолатни Ўзбекистон республикасида аудиторлар тайёрлаш жараёнида ҳисобга олиш фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз. Масаланинг моҳияти шундаки, ҳозирги кунда республикада кўпчилик иқтисодий институтлар ва иқтисодиёт Университети "Аудит" мутахассислиги бўйича мутахассис тайёрламоқдалар. Бу мутахассислик бўйича ўқиётган талабалар битирув имтиҳонларини топширгач "Аудитор" мутахассислигига эга бўладилар. Қоидага кўра бу мутахассислар бирор бир корхонага бориб ўз ишларини бошлашлари керак. Лекин ким бўлиб?

Аудиторлик ташкилотини очиш учун шундай битирувчилардан камида иккитаси малака сертификатига эга бўлиши керак. Аммо бу битирувчиларга сертификат олиш учун касб имтиҳонлари топшириш учун рухсат бериш керакми ёки йўқми, деган савол туғилади. Чунки институт ёки университетни имтиёзли дипломга тамомлаган мутахассис ҳам ҳозирги мураккаб шароитда сифатли аудиторлик текшируви ўтказа олмаслиги аниқ. Ўзбекистон республикасининг аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларида ушбу масалага ҳам аниқлик киритилиб қўйилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Чет эл тажрибасидан ибрат сифатида олишимиз мумкин бўлган яна бир нарса бу аудитор қасамидир. Германияда бу ҳолат аудиторга қўйиладиган талаблардан биридир. Аудиторликка даъвогарлар касб

имтиҳонларини муваффақиятли топширганларидан кейин қуйидаги мазмунда қасам ичадилар :

"Ҳар нарсага қодир ва ҳар нарсани билувчи худо номи билан қасам ичаманки, мен ўта масъулият ва виждонийлик билан бухгалтер-аудитор вазифасини бажараман, текширув давомида олинган маълумотларни ўта зукколик билан сир сақлайман, аудиторлик текширувлари далолатномалари ва улар бўйича хулосаларни софдиллик ва ҳаққонийлик билан тузаман, бу ишда Худо менга ёр булсин".

Ўзбекистон республикасида аудиторлар тайёрлаш тажрибасида аудиторларни фаолият бошлашдан аввал қасамёд қилдириш анъанасини жорий қилиш бу соҳа мутахассисларининг ахлоқий дунё қарашини кенгайтишига ва уларда касбни қадрлаш руҳини юзага келишига сабаб бўладиган ҳолат, деб ҳисоблаймиз.

2- чи муаммо – бу аудиторлик ташкилотлари фаолиятини мосликка йўналтирилган аудитдан келажакка йўналтирилган ҳамда консалтинг хизматларини ривожлантиришдир. Бугунги кунда аксарият аудиторлик ташкилотларимиз фақат жорий молиявий ҳисоботларни аудиторлик текшируви билан шуғулланмоқда ва ундан асосий даромадни олмоқда. Аудиторлик ташкилотлари олаётган даромад таркибида келажакка йўналтирилган аудиторлик хизматлари ҳиссасига тўғри келувчи даромадларжуда паст.

3- чи муаммо – бу аудиторлик ташкилотларимизни халқаро жиҳатдан тан олинishiга эришиш.

Ушбу ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш, фикримизча, республикамизда аудиторлик хизматлари бозорини янги даражаларга олиб чиқишга имкон беради

3-БОБ. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1.Аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни баҳолаш ва аниқлаш тартиби

Аудиторлик хизматлари тадбиркорлик фаолияти сифатида фойда олишни назарда тутади. Фойда, ўз навбатида, олинган даромад ҳамда қилинган сарфларни фарқидан ташкил топади. Фойдага эришиш фаолиятнинг самарадорлигини, зарар кўриш эса бу фаолиятни юритишдан наф йўқлигини билдиради. Ушбу тушунчалар ҳар қандай фаолиятни юритишда унинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини белгилаш, уларни баҳолаш ва аниқлашни тақозо этади. Бу бевосита аудиторлик хизматлари бозоирининг иштирокчиси бўлган аудиторлик ташкилотарига ҳам тегишлидир. Улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ҳам бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Таъкидлаш жоизки, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар адабиётларда етарлича ёритилган. Шу билан бирга аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари, уларни баҳолаш ва аниқлаш масалалари адабиётларда етарлича очиб берилмаган. Ушбу муаммонинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда қуйида аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари тизи, уларни баҳолаш ва аниқлаш тартибларининг хусусиятларига тўхталамиз.

Авваламбор, таъкидлаш жоизки, аудиторлик ташкилотларининг самарадорлиги кўрсаткичлари улар фаолиятини ифодаловчи миқдор кўрсаткичларга боғлиқ. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг миқдор кўрсаткичлари деганда ушбу фаолиятни, бир томондан, натурал бирликларда, иккинчи томондан эса, пул бирлигида ифодаловчи мутлоқ кўрсаткичлар тушунилади. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг самарадорлиги деганда уларнинг сифат кўрсаткичлари тушунилади. Бундай

кўрсаткичлар бўлиб самарадорлигини ифодаловчи нисбий кўрсаткичлар тушунилади. Аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи нисбий кўрсаткичларни ўртача натурал ва пул бирликларида, шунингдек коэффициентлар ёки фоизларда баҳолаш мумкин.

Ушбу тушунчаларга асосланган ҳолда аудиторлик ташкилотлари ўртасида рақобатдошлик ҳамда улар рейтингини аниқлашга асос бўлувчи асосий миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизимига қуйидагиларни киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз (2-расм).



2-расм. Аудиторлик ташкилотлари фаолияти асосий кўрсаткичлари тизими

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятининг ушбу миқдор ва сифат кўрсаткичларнинг ҳар бири ўзига хос тартибда ҳисоб-китоб қилинади. Чунончи, пул бирлигида ифодаланадиган асосий миқдор кўрсаткичларни, шунингдек нисбий birlikларда ифодаланадиган сифат кўрсаткичларни аниқлашнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган тартиблари 5-жадвалларда келтирилган.

5-жадвал

Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларининг иқтисодий моҳияти ҳамда уларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби

№	Кўрсаткичнинг номи	Кўрсаткичнинг иқтисодий моҳияти	Кўрсаткични ҳисоб-китоб қилиш алгоритми
1. Миқдор кўрсаткичлар			
1	Жами хизматлар кўрсатилган миқдорлар сони	Ҳисобот даврида жами хизматлар кўрсатилган миқдорлар сонини билдиради	$\sum MC = X^1 \cdot M + X^2 \cdot M + \dots + X^n \cdot M$ Бу ерда: М - тегишли турдаги хизматлар кўрсатилган миқдорлар сони
2	Аудиторлик ташкилоти ходимлари сони	Ҳисобот даврида аудиторлик ташкилоти ходимлари сонини билдиради	$\sum BC = B^1 + B^2 + \dots + B^n$ Бу ерда: B ¹ , B ² , B ⁿ - тегишли турдаги хизматларни кўрсатган бўлимлар
3	Аудиторлик хизматларидан олинган даромад	Ҳисобот даврида аудиторлик хизматларидан олинган даромадни билдиради	$\sum YCT = CT_{np} + CT_{pk} + CT_{bk}$ Бу ерда: $\sum YCT$ – аудиторлик хизматларидан олинган жами ялпи тушум CT_{np} – нақд пулга кўрсатилган хизматлар ҳақи CT_{pk} – пластик карточкалар орқали кўрсатилган хизматлар ҳақи CT_{bk} - нақдсиз пулга кўрсатилган хизматлар ҳақи
4	Кўрсатилган аудиторлик хизматлари таннари	Ҳисобот даврида кўрсатилган аудиторлик хизматлари таннарини билдиради	$T_{пtx} = Mx + Ix + Cx + Ax + Bx$ Бу ерда: $T_{пtx}$ -пуллик тиббий хизматларнинг жами таннари Mx – материал харажатлар Ix - иш ҳақи харажатлари Cx – ЯСТ харажатлари

			Ах – амортизация харажатлари Бх - бошқа харажатлар
5	Аудиторлик ташкилоти ялпи фойдаси	Ҳисобот даврида аудиторлик ташкилоти олган ялпи фойдани билдиради	$ЯФ = \sum ЯСТ - Тп\tau x$
6	Аудиторлик ташкилоти соф фойдаси	Ҳисобот даврида аудиторлик ташкилоти олган соф фойдани билдиради	$СФ = ЯФ + Бд - Бх - С$ Бу ерда: Бд – бошқа даромадлар; Бх -бошқа харажатлар; С -солиқлар ва тўловлар
2. Сифат кўрсаткичлар			
1	1 та персоналга тўғри келадиган аудиторлик хизматлар кўрсатилган мижозлар сони	Ҳисобот даврида 1 та персоналга тўғри келадиган аудиторлик хизматлар кўрсатилган мижозлар сонини билдиради	$\dot{Y}_{mc} = \frac{Mc}{Пс}$ Бу ерда: Мс – жами мижозлар сони; Пс - жами персонал сони
2	1 та мижозга тўғри келадиган ўртача аудиторлик хизматлари ҳақи	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача аудиторлик хизматлари ҳақини билдиради	$\dot{Y}_{мст} = \frac{\sum ЯСТ}{Mc}$
3	1 та аудиторга тўғри келадиган ўртача хизматлар ҳақи	Ҳисобот даврида 1 та аудиторга тўғри келадиган ўртача хизматлар ҳақини билдиради	$\dot{Y}_{шт} = \frac{\sum ЯСТ}{Шс}$ Шс - аудиторлар сони
4	1 та аудиторга тўғри келадиган ўртача ойлик иш ҳақи	Ҳисобот даврида 1 та аудиторга тўғри келадиган ўртача иш ҳақини билдиради	$\dot{Y}_{ших} = \frac{\sum ИХш}{Шс} : 12$ $\sum ИХш$ - аудиторларнинг жами йиллик иш ҳақи
7	1 та мижозга тўғри келадиган ўртача аудиторлик хизматлари таннари	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача аудитор хизматлари таннарини билдиради	$\dot{Y}_T = \frac{Тп\tau x}{Mc}$
8	1 та мижозга тўғри келадиган ўртача аудиторлик хизматларидан олинган ялпи фойда	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача аудиторлик хизматларидан олинган ялпи фойдани билдиради	$\dot{Y}_{яф} = \dot{Y}_{мст} - \dot{Y}_T$
9	1 та мижозга тўғри келадиган ўртача бошқа харажатлар (солиқ тўловлари билан бирга)	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача бошқа харажатлар (солиқ тўловлари билан бирга)ни билдиради	$\dot{Y}_{бх} = \frac{Бх + С}{Mc}$
10	1 та мижозга тўғри келадиган ўртача соф фойда	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача соф фойдани	$\dot{Y}_{сф} = \dot{Y}_{яф} - \dot{Y}_{бх}$

		билдиради	
11	1 та мижозга тўғри келадиган ялпи тушум рентабеллиги	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача ялпи тушум рентабеллигини билдиради	$Р_{ят} = \frac{\ddot{Y}_{сф}}{\ddot{Y}_{мст}}$
12	1 та мижозга тўғри келадиган ялпи харажатлар рентабеллиги	Ҳисобот даврида 1 та мижозга тўғри келадиган ўртача ялпи харажатлар рентабеллигини билдиради	$Р_{ят} = \frac{\ddot{Y}_{сф}}{\ddot{Y}_T + \ddot{Y}_{бх}}$
13	1 сўмлик меҳнат ҳақи рентабеллиги	Ҳисобот даврида 1 сўмлик ўртача меҳнат ҳақи рентабеллигини билдиради	$Р_{мх} = \frac{СФ}{\sum ИХ}$ $\sum ИХ$ -жами иш ҳақи суммаси
14	1 сўмлик асосий воситалар рентабеллиги	Ҳисобот даврида 1 сўмлик ўртача асосий воситалар рентабеллигини билдиради	$Р_{мх} = \frac{СФ}{\sum АВ}$ $\sum АВ$ –асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати
15	1 сўмлик устав капиталининг рентабеллиги	Ҳисобот даврида 1 сўмлик ўртача устав капитали рентабеллигини билдиради	$Р_{мх} = \frac{СФ}{Ук}$ $Ук$ - устав капиталининг ўртача йиллик суммаси

Фикримизча, таклиф этилаётган миқдор ва сифат кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш тартибларини амалиётда қўллаш республикамызда шаклланаётган ва ривожланаётган аудиторлик хизматлари бозори иштирокчилари ҳисобланган аудиторлик ташкилотлари фаолиятини холис баҳолашга, мос равишда, бу кўрсаткичларни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва аудиторлик текширувларини ўтказишнинг яхлит назарий ҳамда методологик асосларини яратишга имкон беради.

3.2. Аудиторлик ташкилотлари фаолияти самарадорлигининг ҳолати ва уни ошириш йўллари

